

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЛИЧОВА ФИРУЗА КАРИМОВНА

**ФАРМАКОКИНЕТИКАНИНГ ГЕНЕТИК МАРКЁРЛАРИНИ ИНОБАТГА
ОЛГАН ҲОЛДА ОШҚОЗОН ВА 12 БАРМОҚ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ
ФАРМАКОТЕРАПИЯСИНИ ПЕРСОНИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кличова Фируза Каримовна

Фармакокинетиканинг генетик маркерларини ҳисобга олган
ҳолда ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги
фармакотерапиясини персонафикациялаш
йўллари..... 3

Кличова Фируза Каримовна

Пути персонафикации фармакотерапии язвенной болезни
желудка и двенадцатиперстной кишки с учетом генетических
маркеров фармакокинетики..... 22

Klichova Firuza Karimovna

Ways of personification of pharmacotherapy of gastric ulcer and
duodenal ulcer, taking into account genetic markers of
pharmacokinetics 41

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЛИЧОВА ФИРУЗА КАРИМОВНА

**ФАРМАКОКИНЕТИКАНИНГ ГЕНЕТИК МАРКЁРЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ОШҚОЗОН ВА 12 БАРМОҚ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ
ФАРМАКОТЕРАПИЯСИНИ ПЕРСОНИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида
B2021.2.PhD/Tib1931 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Мусаева Дилфуза Махмудовна тиббиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар	Даминова Лола Тургунпулатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Исмаилова Жадида Ахмеджановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Россия Федерацияси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Курск давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «14» ноябрь куни соат 16-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99871)150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99871)150-78-25;

Диссертация автореферати 2023 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2023 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ошқозон-ичак касалликларининг этиопатогенези ва даволаш усулларини такомиллаштиришда эришилган сезиларли муваффақиятларга қарамай, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги (ЯК) ҳазм тизимининг энг кенг тарқалган хасталикларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон статистик маълумотларига кўра, ушбу касаллик дунё аҳолисининг 60-65 фоизида учрайди, бу эса олимларнинг унинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш, эрта ташхислаш йўлларини аниқлашга ва энг муҳими, фармакотерапияда юқори самарадорликка эришишга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб боришларига асос ҳисобланади. ЯК учун фармакотерапия тамойиллари стандарт бўлиши мумкин, аммо барча беморлар учун даво бир хил бўлмайди. У алоҳида шахсга йўналтирилган, яъни персонификацияланган бўлиши зарур. Бундай ёндашув беморнинг генетик хусусиятларига асосланади.

Дунёда CYP2C19 гени полиморфизмларининг хусусиятлари, уларнинг кўпгина касалликлар давоси самарадорлигига таъсирини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу ген генотипларининг метаболитик хусусиятлари ЯКнинг қисқа ва узоқ муддатли фармакотерапияси самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди: «...Замонавий адабиётлар шарҳи нуқтаи назаридан, CYP2C19 полиморфизмлари ЯК, эрозив эзофагит давоси ва *Helicobacter pylori* эрадикацияси натижаларига бевосита таъсир этади...»¹. Шунга кўра, ушбу ген полиморф вариантлари метаболиторлари турини ва уларнинг касаллик кечишига, фармакотерапия самарадорлигига ва хавфсизлигига таъсири хусусиятларини аниқлаш, уларни такомиллаштириш соҳанинг асосий вазифаларидан саналади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими мамлакатимиз аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда, бу эса 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида белгиланган: «...2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини, шунингдек 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифаларига мос келади. Бу вазифаларни бажариш турли касалликларнинг олдини олиш ва ташхислаш, тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш, касалликларни даволашда замонавий фармакотерапевтик усуллардан

¹Harris D.M., Stancampiano F.F., Burton M.C., Moyer A.M., Schuh M.J., Valery J.R., Bi Y. Use of Pharmacogenomics to Guide Proton Pump Inhibitor Therapy in Clinical Practice. *Dig Dis Sci.* 2021;66(12): 4120–4127. <https://doi.org/10.1007/s10620-020-06814-1>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

фойдаланишни такомиллаштириш, шунингдек, даво самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дори метаболизмини асосан цитохром P450 ферментлар тизими белгилайди. Ҳозирги вақтда CYP2C19 гени полиморфизмларининг цитохром тизимидаги ферментлар фаоллигига таъсири мавжудлиги аниқланган (Маев И.В., Белый П.А., Лебедева Е.Г., 2011; Lima J.J., Thomas C.D., Barbarino J., Desta Z., Van Driest S.L., El Rouby N. et al., 2021; Цуканов В.В., Черепнин М.А., Васютин А.В., Тонких Ю.Л., Каспаров Э.В., Масленникова Н.А., Павлова Н.В., 2022). CYP2C19 генининг турли аллеллари мавжудлигига кўра, 5 турдаги фенотиби қайд этилади. Уларнинг протон помпаси ингибиторларини (ППИ) турли тезликда метаболизм қилиши, дори воситасининг организмдаги концентрациясига ва мос равишда клиник самарадорлигига таъсир иши (Елохина Е.В., Костенко М.Б., Ливзан М.А., Скальский С.В., 2015; Бакулина Н.В., Маев И.В., Савилова И.В., Бакулин И.Г., Ильчишина Т.А., Загородникова К.А. ва б., 2019; Harris D.M., Stancampiano F.F., Burton M.C., Moyer A.M., Schuh M.J., Valery J.R., Bi Y., 2021). Клиник фармакогенетикани амалга ошириш бўйича консорциумнинг (CPIС)) тавсияларига кўра, ППИни қўллашда CYP2C19 метаболизаторлари куйидаги турларга ажратилади: ўта тез, тез, меъерий, ўрта ва секин метаболизаторлар. Замонавий адабиётларда метаболизаторлар ихчамланиб, 3 тури тафовут қилинмоқда – тез, ўртача ва секин (НК.Кульмирзаева ва б., 2015, В.В.Цуканов ва б., 2022). Шунга кўра Zhang H.J., Zhang X.H., Liu J., Sun L.N., Shen Y.W., Zhou C. et al., 2020 йилда ўз тадқиқотларини ўтказдилар ва ушбу йўналишдаги адабиёт маълумотларини таҳлил қилиб, европеоидлар орасида CYP2C19 генининг тез метаболизаторлари юқорилигини таъкидладилар. CYP2C19 гени полиморфизмларининг ошқозон яраси ва эрозив эзофагитнинг даво самарадорлигига ҳамда *Helicobacter pylori* эрадикацияси натижаларига бевосита таъсири мавжудлиги кўрсатилган (Stanghellini V., Chan F.K., Hasler W.L., Malagelada J.R., Suzuki H., Tack J., Talley N.J., 2016; Harris D.M. et al., 2021). Хусусан, эрозив эзофагит даво самараси ва *Helicobacter pylori*

эрадикациясига СYP2C19 изоферментининг секин метаболизаторлари самарадорлиги тез ва меъёрий метаболизаторларга нисбатан юқорироқлиги қайд этилган. СYP2C19 Ichikawa H., Sugimoto M., Sugimoto K., Andoh A., Furuta T. 2016 йилда гастроэзофагиал рефлюкс касаллигини (ГЭРК) даволашда ППИ самарадорлиги СYP2C19 генининг тез метаболизаторларига қараганда оралик ва секин метаболизаторлар учун сезиларли юқори эканлигини эътироф этишган. Дунё олимлари СYP2C19 гени метаболизаторлари учрашининг этник хусусиятлари мавжудлигини (Abdullaev S.P., Mirzaev K.B., Burashnikova I.S., Shikaleva A.A., Kachanova A.A., Abdullaev S.P. et al., 2020; Shah S.C., Tepler A., Chung C.P., Suarez G., Peek R.M. Jr., Hung A. et al., 2021) ва даво самарадорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида беморларни генотиплаш зарурлигини (Morino Y., Sugimoto M., Nagata N., Niikiura R., Iwata E., Hamada M. et al., 2021; Argueta E.A., Moss S.F., 2022) ҳам таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда ошқозон-ичак тизими касалликларини эрта ташхислаш, оқилона даволаш ва уларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда (М. М. Каримов, Ж. А. Исмаилова, Г. Н. Собирова, З.З.Саатов, 2018; Ш.З. Умарова, 2019; А.К.Очилов, 2022). Улар билан бир қаторда кўпгина касалликларнинг фармакогенетикаси муаммоларини ўрганиш (И. Р. Мавлянов, Г. Ж. Жарилкасинова, Р. У. Юлдашова, 2021; Л.Т.Даминова, З.Б. Абдашимов, 2022; Г.С.Очилова, 2022) ва персонификациялаш орқали фармакотерапияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун изланишлар давом этмоқда.

Ушбу диссертация иши ҳам юқорида қайд этилган муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистонда беморларнинг генотипига кўра дори метаболизаторларининг турини ҳисобга олган ҳолда ошқозон яраси фармакотерапиясини персонификациялаш имконини беради.

Диссертация мавзусининг у бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг 02.2018.PhD.003 «Covid-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026-йиллар)» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда СYP2C19 генининг СYP2C19:681G>A*2, СYP2C19:636 G>A*3 ва СYP2C19:806C>T*17 полиморфизмлари генотиплари асосида метаболизаторлар турини ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаш ва фармакотерапияни персонификациялаш усулларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда СYP2C19 генининг СYP2C19:681G>A*2, СYP2C19:636 G>A*3 ва СYP2C19:806 C>T*17 полиморфизмлари метаболизаторлари учрашини ўрганиш ва таҳлил этиш;

яра касаллиги мавжуд беморларнинг гендер хусусиятларини ва уларнинг СҮР2С19 гени СҮР2С19:681G>A*2, СҮР2С19:636 G>A*3 ва СҮР2С19:806 C>T *17 полиморфизмлари метаболизаторлари тури билан ўзаро боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш;

СҮР2С19 гени СҮР2С19:681G>A*2, СҮР2С19:636 G>A*3 ва СҮР2С19:806C>T*17 полиморфизмлари метаболизаторлари турларининг яра касаллигининг клиник кечиш кўринишлари ҳамда намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

яра касаллиги мавжуд беморлар фармакотерапиясини клиник-фармакологик таҳлил қилиш ва даво натижадорлигини баҳолаш;

яра касаллиги мавжуд беморларни даволашда қўлланган даво самарадорлигини СҮР2С19:681G>A*2, СҮР2С19:636G>A*3 ва СҮР2С19:806 C>T *17 полиморфизмлари метаболизаторлари тури бўйича таҳлил қилиш ва фармакотерапия хавфсизлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш учун давони персонификациялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли клиник касалхонасида даволанаётган ва кузатувда бўлган ЯК билан оғриган 100 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида СҮР2С19 гени СҮР2С19:681G>A*2, СҮР2С19:636G>A*3 ва СҮР2С19:806C>T*17 полиморфизмлари генотипларини аниқлаш учун беморлар веноз қони олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, молекуляр-генетик ҳамда олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги бўлган беморларнинг 3/2 қисмида СҮР2С19 гени СҮР2С19:681G>A*2, СҮР2С19:636G>A*3 ва СҮР2С19:806C>T*17 полиморфизмларининг “нормал” аллелини сақловчи ва “тезкор” метаболизатор хусусиятини намоён қилувчи генотиплар ва 3/1 қисмида эса “ўртача” ва “секин” метаболизатор хусусиятини намоён қилиб, фермент функционал фаоллигини пасайтирувчи аллель сақловчи генотиплар учраши аниқланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги бўлган беморларда СҮР2С19 генининг “тезкор” ва “секин” метаболизатор хусусиятини намоён қилувчи генотиплари эркак ва аёл беморларда турлича учраши туфайли касалликнинг клиник намоён бўлиши, кечуви хусусиятлари ва даво натижаларида тафовутлар келиб чиқиши асосланган;

СҮР2С19 генининг “тезкор”, “ўртача” ва “секин” метаболизатор хусусиятини намоён қилувчи генотиплари мавжуд беморларда касалликнинг клиник намоён бўлишида тафовутлар мавжудлиги туфайли “анъанавий” даво комплексида қўлланган дори воситалари структураси ҳам турлича эканлиги аниқланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда СҮР2С19 гени полиморфизмларининг турли даражада метаболизатор хусусиятини намоён қилувчи генотипларини учрашига мос равишда касаллик фармакотерапияси натижаси турлича бўлганлиги аниқланган ҳамда

ушбу касаллик фармакотерапияси самарадорлигини таъминлаш учун CYP2C19 гени полиморфизмлари генотипларига мувофиқ “персонал” даво схемаларини ишлаб чиқиш зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 ва CYP2C19:806C>T*17 полиморфизмларининг генотип вариантлари асосида метаболиторлар турини аниқлаш зарурлиги исботланган;

CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 ва CYP2C19:806C>T*17 полиморфизмлари метаболиторларининг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморлар гендер хусусиятларига кўра касалликнинг клиник кўринишлари ва кечиши ҳамда даво самарадорлигига таъсири аниқланган;

протон помпаси ингибиторларини индивидуал дозалаш режимини танлаш учун CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636 G>A*3 ва CYP2C19:806C>T*17 полиморфизмлари метаболиторлари турини аниқлаш зарурияти асослаб берилган;

беморнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги фармакотерапиясини персонификациялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқотлар замонавий усул ва ёндошувлар асосида олиб борилганлиги, назарий маълумотлардан олинган натижалар билан мос келиши, ўтказилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, молекуляр-генетик, асбобий, функционал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ҳисобланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморларда CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 ва CYP2C19:806C>T*17 полиморфизмлари метаболиторлари турини аниқлаш ва уларнинг касалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари, клиник кечиши, давони персонификациялаш ва пировард натижаларини олдиндан башоратлаш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фармакотерапиясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 ва CYP2C19:806C>T*17 полиморфизмларининг “тезкор”, “ўртача” ва “секин” метаболиторлари асосида протон помпаси ингибиторлари фармакотерапиясини персонификациялаш бўйича тавсиялар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фармакокинетиканинг генетик маркерларини ҳисобга олган ҳолда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фармакотерапиясини персонификациялаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ирсий омилларнинг ўрни бўйича олинган илмий натижалар асосида “Фармакокинетиканинг генетик маркерларини ҳисобга олган ҳолда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг фармакотерапияси” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 сентябрь №8н-р/950-сонли маълумотномаси). Олинган маълумотлар СҮР2С19 ген полиморфизмининг аллел вариантлари пайдо бўлишига асосланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги фармакотерапиясининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

СҮР2С19 ген полиморфизмларининг аллель вариантлари пайдо бўлиш сонига кўра ва ушбу маълумотлар асосида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фармакотерапиясини персонификация қилиш бўйича "Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фармакотерапиясини персонификациялаш" (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 сентябрдаги 8н-р/951-сонли маълумотномаси) номли услубий тавсиянома тасдиқланган. Илмий маълумотлар беморнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволашни персонификациялаш имкониятини беради.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги фармакотерапиясининг хусусиятлари ва унга СҮР2С19 ген полиморфизмларининг таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижалари амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига, хусусан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси шунингдек, Жондор тиббиёт бирлашмасининг амалий фаолиятига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 октябрдаги 8п-з/563-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини клиник амалиётга жорий этиш фармакотерапия натижалари ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий конференция, жумладан 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган. 2 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объектлари, предмети ифодаланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Адабиётлар шарҳи” деб номланган биринчи боби 3 қисмдан иборат бўлиб: **“Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги клиникаси ва кечиши хусусиятлари”, “Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги даволашдаги замонавий ёндашувлар”, “Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ярасини даволашда дори воситаларининг фармакокинетикаси метаболиторларини ўрганишнинг аҳамияти”** деб номланган, унда касалликнинг клиник хусусиятлари, диагностикаси ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг замонавий даво усуллари ва дори воситалари фармакокинетикасига таъсир қилувчи генлар метаболиторлари турлари ва давога замонавий ёндашув усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мақсадлари асосида диссертацияда қўлланилган материаллар ва усуллар ёритилган. Бухоро вилоят кўп тармоқли клиник касалхонаси шароитида даволаниб, кузатувда бўлган 100 та бир-бирига қариндош бўлмаган, ЯК билан оғриган беморлар ҳар томонлама текширилган. Ушбу асосий гуруҳ беморлари билан таққослаш мақсадида 24 нафар қариндош бўлмаган, ошқозон-ичак тизими касалликлари аниқланмаган соғлом шахслар назорат гуруҳига киритилган.

Тадқиқотда клиник, фиброгастроуденоскопия ва бошқа инструментал таҳлиллардан ташқари, молекуляр-генетик ва статистик усуллар ҳам қўлланилган. Молекуляр-генетик тадқиқотлар жараёнида ДНКни ажратиш олиш учун биологик материалдан намуна олиш белгиланган тартибда инсон ҳуқуқларига амал қилиш орқали, тиббий кўрикдан ўтказиладиган беморларнинг ёзма розилиги олинганидан сўнг амалга оширилган (инсон геноми ва ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси (11 ноябрь 1997 й)).

Молекуляр генетик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси қошидаги спорт тиббиёти илмий-амалий маркази илмий-тадқиқот ва клиник лабораторияси билан ҳамкорликда олиб борилди.


Геном ДНКси периферик веноз қондан ажратилган. Қон намунаси антикоагулянт сифатида ўз ичига К2-ЭДТА тутган вакуум тизими ёрдамида олинган. ДНК экстракцияси ПРОБА-ГС-ГЕНЕТИКА реактив тўплами (“НПО ДНК-Технология”, Россия) ёрдамида амалга оширилди. Натижаларни талқин қилиш реал вақт режимида ПЦР (ишлаб чиқарувчи (НПО ДНК-Технология, Россия)) ёрдамида генетик полиморфизмларни аниқлаш учун

ФармасоГенетика Клопидогрел реактив тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Статистик ҳисоб-китоблар «Case-Control» платформаси ёрдамида ўтказилди. Олинган натижалар тегишли дастур ёрдамида график режимда FAM, HEX, ROX ва CY5 детекторлари бўйича эгри чизиғининг графиги шаклида расмийлаштирилган. Мустақил намуналар орасидаги фарқлар Студент критерийси, Пирсоннинг хи-квадрат тести ёрдамида аниқланди. Олинган натижаларнинг статистик аҳамиятлилиги мезони биотиббийёт тадқиқотларини талқин қилишда умумий қабул қилинган $p < 0,05$ қиймати эди. Ўрганилаётган генотипларнинг частота тақсимоти натижалари Харди-Вайнберг қонунига тўғри келди.

Диссертациянинг «**Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморларда касалликнинг клиник кечиши ва хусусиятлари, фармакотерапияси ва унинг натижадорлиги**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг ёши ва жинси хусусиятлари, касал шикоятлари, анамнез давомийлиги, касаллик рецидивлари ва ёндош касалликларнинг мавжудлиги натижалари келтирилган. Шунингдек, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволаш учун қўлланилган дори воситалари структураси ва фармакотерапиянинг самарадорлиги хусусиятлари баён этилган.

Ўрганилган беморларнинг 60% эркаклар ва 40% аёллар бўлган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, эркаклар аёлларга қараганда кўпроқ ошқозон яраси билан касалланар экан.

Шунингдек, касалликни ёш жиҳатидан ўрганилганда (1-расм) ўрта ёш (41 ёшдан 60 ёшгача) беморларда касаллик 2 баробар кекса (60 ёш ва ундан ортиқ) ёшдагиларга нисбатан кўпроқ учраши, ёшларга (18 ёшдан 40 ёшгача) нисбатан эса 2,6 марта кўпроқ қайд этилиши аниқланган.




1-расм. Яра касаллиги билан касалланишнинг ёшга боғлиқлиги (%)

Бундан ташқари, барча ёш гуруҳларида ЖК билан касалланиш аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ кузатилди (1-расм).

Шунингдек, беморларни доимий равишда безовта қиладиган шикоятлар ўрганилди ва эпигастрал соҳада оғриқлар 71% беморларда; кўнгил айниши – 69%, оч қоринда оғриқ - 62%, иштаҳанинг йўқолиши – 58%, тунги оғриқлар - 53%, оғизда аччиқ таъм – 52% ва метеоризм -51% ҳолатларда қайд қилинди. Шунингдек, бошқа белгилар: ўнг қовурға остида оғриқ -47%, овқатдан кейин оғирлик ҳисси – 36%, зарда қайнаши – 31%, тилда караш – 28%, қайд қилиш – 25% ва қабзият 21% беморларда аниқланган.

Маълумки, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг сурункали кечишида бемор анамнезининг давомийлиги катта аҳамиятга эга. ЯК мавжуд беморларда ушбу кўрсаткич қуйидаги натижаларни кўрсатди (2-расм): 1 йилгача анамнезга эга бўлган беморлар 12%, 1 йилдан 5 йилгача бўлган беморлар 42%, 5 йилдан 10 йилгача анамнезга эга бўлган касаллар 29% ва 10 йилдан ортиқ анамнезга эга бўлган беморлар 17% бўлиб, касалликнинг ривожланиш даври ўртача 5 йилни ташкил этди.



2-расм. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида анамнез давомийлиги кўрсаткичлари

Шу билан бирга касалликнинг рецидивлари (қайталаниши) хусусиятлари тадқиқ қилинганида, йилида 1 марта рецидив 12% беморларда, йилида 2 марта қайталаниш – 49% касалларда ва йилида 2 мартадан ортиқ рецидивлар 31% беморларда қайд қилинди.


Тадқиқотларимизда кўрсатилганидек, ЯК ўрта ва кекса ёшдаги беморларда кўпроқ кузатилади, бироқ бу ёшда касаллик кўпинча организмнинг бошқа патологиялари билан, яъни ёндош касалликлар билан бирга кечади. Асосий гуруҳдаги беморларда ЯКга ёндош касалликлар сифатида темир танқислиги анемияси - 56%, сурункали холецистит - 46%, юрак ишемик касаллиги зўриқиш стенокардияси, сурункали гепатит ва сурункали панкреатит – 16%дан, гипертония касаллиги ва астеноневротик синдром - 15%дан аниқланган бўлса, сурункали гастрит, бронхиал астма, қандли диабет, ревматоидли полиартрит, дисциркулятор энцефалопатия ва бошқа касалликлар 3%дан 10%гача атрофида қайд қилинди.

Шундай қилиб, ЯК беморнинг ёши бўйича 40 ёшдан 60 ёшгача ва ундан катта ёшдаги беморларда, айниқса эркакларда аёлларга қараганда 1,5 баравар кўпроқ учрайди. Шунингдек, ўртача 5 йиллик касаллик анамнезига эга бўлган беморлар тадқиқотнинг асосий қисмини ташкил қилди. Қайд қилинганидек, касалликнинг қайталаниши асосан йилида 2 марта юз беради. Таъкидланишича, ўрта ва кекса ёш гуруҳларидаги беморларда ЯК кўпинча темир танқислиги анемияси, сурункали холецистит ва бошқа касалликлар билан бирга кечади.

ЯК бевосита *H.pylori* бактерияларига боғлиқ бўлгани туфайли, даволашнинг асосий тамойили - шиллиқ қаватдаги *H.pylori* бактерияларини эрадикация қилишдир. Бундан ташқари, касаллик оғриқ белгилари ва ошқозонда овқат массаси ҳаракатининг секинлашиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, шифокорлар анальгетиклар, прокинетиклар ва фермент препаратларини қўллайдилар.

Эрадикация қилиш мақсадида бизнинг тадқиқотларимизда беморларга омепразол - 71%, цефтриаксон - 62%, метронидазол -61%, пантопразол ва амоксициллин - 48%дан, де-нол ва левофлоксацин – 45%дан, кларитромицин - 44%, лансопразол – 3% ҳолатларда, шунингдек, но-шпа – 62%, просульпин – 47% ва – 45%, креон – 43%, алмагел - 30% ҳамда бошқа дори воситалари 6%дан 10%гача ҳолатларда қўлланилган.


Шундай қилиб, ЯКда қўлланиладиган дориларнинг тузилиши протон помпаси ингибиторлари, антибиотиклар, фермент препаратлари ва антисекретор воситалар гуруҳини ўз ичига олади, бунда асосий роль протон помпаси ингибиторлари гуруҳидаги дориларга тегишлидир (3-расм).



Расм 3. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида қўлланилган протон помпаси ингибиторлари структураси

Маълумки, ЯКнинг фармакотерапияси инфекция эрадикацияси билан бир қаторда ошқозоннинг структураси ва функциясини тиклашга хизмат қилади. Бироқ, даволаш натижаси ҳар доим ҳам биз хоҳлагандек бўлмаслиги мумкин. ЯКнинг танланган фармакотерапияси натижасида қуйидагилар қайд

қилинди (4-расм): 12% ҳолатларда яра битиши ва шиллик қаватнинг қайта тикланиши, яъни соғайиш кузатилди, 69% беморларда яхшиланиш қайд этилди, 13% ҳолатларда эса давонинг самарасизлиги ва ҳатто беморларнинг 6%да асоратлар кузатилди.



4-расм. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг даво натижалари (%)

Шундай қилиб, ЯКнинг фармакотерапияси турли хил самараларга эга: фармакотерапия самарадорлиги беморларнинг фақат 1/8 қисмида кузатилган, бу фармакотерапиянинг етарли даражада натижадор эмаслигини кўрсатади. Ушбу терапиядан сўнг беморларнинг 1/7 қисмида давонинг самарасизлиги ва ҳатто беморларнинг 1/15 қисмида касалликнинг асоратлари кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби "Протон помпаси ингибиторлари метаболизмида қатнашувчи **CYP2C19 гени полиморфизмлари учрашининг аллель-генотип характеристикаси ва уларнинг ошқозон ҳамда ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги клиник кўринишлари билан алоқадорлиги хусусиятлари**" деб номланган бўлиб, унда CYP2C19 гени аллель ва генотипларининг учраш сони, унинг гендер хусусиятлари, касалликнинг клиник кўринишлари билан ўзаро алоқадорлиги келтирилган.


Маълумки ҳар бир полиморфизм 3 та генотипга эга. Шу аснода CYP2C19 гени rs4244285 (CYP2C19:681G>A*2) полиморфизмининг G681/681A аллеллари сони 0,83/0,17ни ташкил этиб (таблица 1), «мутант» аллель 681A сони популяция танлов гуруҳидан 1,6 маротаба кўп ($\chi^2=2,597$, $p=0,107$). "Ёввойи" аллель сақловчи (G/G) генотипнинг анча (75%га қарши 57%) камайишига тенг гетерозигот генотип (G/A) улуши соғлом гуруҳга нисбатан (16,6%га қарши 30%) қарийиб икки баробарга ошиши кузатилди ($\chi^2=1,729$, $p=0,189$). "Мутант" аллель сақловчи генотип (A/A) сони эса беморларда назорат гуруҳига нисбатан ($\chi^2=0,396$, $p=0,529$) 1,5 маротабага ошди.

СҮР2С19 гени аллель ва генотиплари сони


СҮР2С19*2 (G681A, rs4244285)										
Гуруҳ	аллеллар сони				Генотиплар сони					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Контроль (n = 24)	40	83	8	17	18	75	4	16,67	2	8,33
ЯК (n = 100)	144	72	56	28	57	57	30	30	13	13
СҮР2С19*3 (G636A, rs4986893),										
Гуруҳ	аллеллар сони				Генотиплар сони					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Контроль (n = 24)	41	85	7	15	19	79,17	3	12,50	2	8,33
ЯК (n = 100)	146	73	54	27	58	58	30	30	12	12
СҮР2С19*17 (C806T, rs12248560)										
Гуруҳ	аллеллар сони				Генотиплар сони					
	C		T		C/C		C/T		T/T	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Контроль (n = 24)	44	92	4	8	21	87,50	2	8,33	1	4,17
ЯК (n = 100)	159	80	41	20	67	67	25	25	8	8

СҮР2С19 гени СҮР2С19:636G>A*3 полиморфизми генотиплари сони аниқланганида, аллель G ўзбек популяцияси донорларида 85%ни ташкил қилган бўлса, тадқиқот гуруҳида 73%ни, аллель A эса 15% ва 27%ни ташкил этди ($\chi^2=3,218$, $p=0,073$). Шунга кўра агар генотип G/G соғлом гуруҳда 79% ва беморларда 58% мавжуд бўлса, гетерозигот генотип G/A 12,5%га қарши 30%, яъни 2,5 марта кўп учраши кузатилди ($\chi^2=3,035$, $p=0,081$). “Мутант” аллель сақловчи A/A генотип эса 8,33 ва 12% ҳолатларда мавжуд эди ($\chi^2=0,260$, $p=0,610$).

$$\chi^2=3,858, p=0,0502$$



Асосий гуруҳ



Назорат гуруҳи

5- расм. СҮР2С19 гени СҮР2С19:806C>T*17 полиморфизми аллелларининг учраш частотаси

Маълумки, *2 ва *3 полиморфизмлар фермент фаоллигини сусайтирувчи ҳисобланади ва уларнинг мавжудлик сони ППИ метаболизмининг бемор организмида сусайиши, таъсир муддатининг узайишига олиб келади. Бироқ, *17 полиморфизм эса аксинча, фермент фаоллигини кескин оширади. Ушбу полиморфизм сони аниқланганида, С806/806Т аллеллар нисбати назорат гуруҳда 0,92/0,08ни ташкил этди, беморларда эса бу нисбат 0,80/0,20 тенг бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, СҮР2С19:806С>Т*17 полиморфизмининг “мутант” Т аллели сони тадқиқот гуруҳида статистик ишончли миқдорда, яъни 2,5 баробарга (5-расм) ошди ($\chi^2=3,858$, $p=0,050$). Бу ўз навбатида ППИ метаболизмининг ошиши ва ошқозонда хлорид кислота агрессиясининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, гомозигот генотип С/Снинг соғлом гуруҳда (67%) беморларга нисбатан (87,5%) камайиши, генотипнинг ППИ метаболизми ўзгаришларига олиб келиш эҳтимолини оширади ($\chi^2=3,948$, $p=0,047$). Гетерозигот С/Т генотип сонининг ошиши фермент фаоллигининг кескин кўтарилишига олиб келади. “Мутант” гомозигот генотип ТТ учраш сони беморларда 2 маротаба ошиши кузатилди (8% беморларда 4,17 соғломларда) ($\chi^2=0,423$, $p=0,516$).

Барча олинган маълумотлар Харди-Вайнберг қонунига мос келиши тест қилинди ва тизимли хатоликлар эҳтимоли камайди (2-жадвал).

2-жадвал

СҮР2С19 гени полиморфизмлари генотипларининг Харди-Вайнберг қонунига мос тарқалиши

rs 4244285 G/A (СҮР2С19*2)					
Назорат гуруҳ					
Генотип rs4244285	Генотиплар сони		χ^2	p	df
	кузатилган	кутиладиган			
G/G	0,75	0,69	0,107	0,050	1
G/A	0,17	0,28	1,067		
A/A	0,08	0,03	2,667		
жами	1	1	3,840		
Асосий гуруҳ (ЯК)					
G/G	0,57	0,52	0,514	0,010	1
G/A	0,30	0,40	2,641		
A/A	0,13	0,08	3,396		
жами	1	1	6,551		
rs 4986893 G/A (СҮР2С19*3)					
Назорат гуруҳ					
Генотип rs 4986893	Генотиплар сони		χ^2	p	df
	кузатилган	кузатилган			
G/G	0,79	0,73	0,127	0,014	1
G/A	0,13	0,25	1,484		
A/A	0,08	0,02	4,347		
жами	1	1	5,958		

Асосий гуруҳ (ЯК)					
G/G	0,58	0,53	0,416	0,017	1
G/A	0,30	0,40	2,251		
A/A	0,12	0,07	3,043		
жами	1	1	5,710		
rs 12248560 C/T (CYP2C19*17)					
Контроль гуруҳ					
Генотипы rs 12248560	Генотиплар частотаси		χ^2	p	df
	кузатилган	кузатилган			
C/C	0,88	0,84	0,034	0,026	1
C/T	0,08	0,15	0,758		
T/T	0,04	0,01	4,169		
жами	1	1	4,959		
Асосий гуруҳ (ЯК)					
C/C	0,67	0,63	0,228	0,02	1
C/T	0,25	0,33	1,770		
T/T	0,08	0,04	3,432		
жами	1	1	5,429		

Шулар билан бир қаторда гетерозиготлик индекси дефицити ҳам аниқланганида *2 ва *3 полиморфизмларда кутилаётган гетерозиготаликнинг кузатилаётганига нисбатан оғиши манфий бўлса, *17 полиморфизмида мусбат бўлди.

SE ва SP кўрсаткичлари тадқиқот гуруҳида гетерозигот ва «мутант» гомозигот гуруҳларда ўртача бўлиб, AUC (0,52дан 0,59гача) прогнозлашнинг яхши даражасини OR (1,5дан 3,67гача) ҳолатида кўрсатди.

Гендер кўрсаткичлар аниқланганида CYP2C19 генининг rs4244285 (CYP2C19:681G>A*2) полиморфизмида аллель G га нисбатан аллель A нинг эркак беморларда қарийб 3 баробарга ошиши қайд қилинди ($\chi^2=4,341$, $p=0,037$), бироқ аёлларда кўрсаткичлар статистик аҳамиятга эга эмас эди ($\chi^2=0,001$, $p=0,981$).

Шунингдек, CYP2C19 генининг rs4986893 (CYP2C19:636G>A*3) полиморфизми эркак беморларда соғломларга нисбатан G/A аллеллари нисбати сезиларли ошиши қайд қилинди ($\chi^2=3,432$, $p=0,064$), аёлларда эса статистик аҳамиятга эга эмас ($\chi^2=0,314$, $p=0,575$).

CYP2C19:806 C>T*17 полиморфизми аллеллари сонининг гендер кўрсаткичлари статистик аҳамиятга эга бўлмади ($\chi^2=1,407$, $p=0,235$).

Диссертациянинг бешинчи боби "**СУР2С19 гени полиморфизмлари метаболиторлари учраши сони ва уларнинг ошқозон ҳамда ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги фармакотерапиясига таъсири хусусиятлари**" деб номланган бўлиб, яра касаллиги мавжуд беморларда СУР2С19 гени метаболиторларининг учраш сони хусусиятларига, уларнинг ЯК билан боғлиқлиги ва метаболиторлар турларининг яра касаллиги кечиши ҳамда даволаш натижаларига таъсирини баҳолашга бағишланган.

Фанга маълумки, цитохром P-450 тизими ферментлари организмнинг дорилар таъсирига индивидуал реакциясида ва улар метаболизмида иштирок этади. Цитохром P-450 тизимида мансуб бўлган ва кўпгина дорилар, шу жумладан ППИ метаболизмини таъминловчи асосий изоферментлардан ҳисобланган CYP2C19 изоферменти CYP2C19 гени томонидан кодланади. CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 ва CYP2C19:806 C>T*17 полиморфизмларининг “тезкор”, “ўртача” ва “секин” метаболизаторлари мавжуд бўлиб, бунда CYP2C19 гени CYP2C19:681G>A*2, CYP2C19:636G>A*3 аллеллари фермент функциясининг пасайиши билан, бироқ CYP2C19:806 C>T*17 аллелининг мавжудлиги фермент функциясининг ошиши билан боғлиқдир (3-жадвал).

3-жадвал

СYP2C19 гени полиморфизмлари бўйича дори воситалари метаболизаторлар турлари (Цуканов В.В. ва б., 2022 й.)

Фенотип	Генотип	СYP2C19 диплотиплари
Ультратезкор метаболизаторлар	Иккала аллель ҳам тезкор функцияли	*17/*17
Тезкор метаболизаторлар	Бир аллель с нормал функцияли, бошқа аллель тезкор функцияли	*1/*17
Нормал метаболизаторлар	Иккала аллель ҳам нормал функцияли	*1/*1
Ўртача метаболизаторлар	Бир аллель с нормал ёки тезкор функцияли, бошқа аллель нофункционал	*1/*2, *1/*3, *2/*17, *3/*17
Секин метаболизаторлар	Иккала аллель ҳам нофункционал	*2/*2, *3/*3, *2/*3


Маълумки, CYP2C19 изоферменти фаоллигига бевосита таъсир этиши туфайли, метаболизатор тури ППИ метаболизми тезлигини таъминлайди. Шунга кўра биз ўз тадқиқотларимизда замонавий адабиётлардаги маълумотларга мос ҳолда, ультратезкор, тезкор ва нормал метаболизаторларни бир гуруҳга киритишни маъқул деб топдик, чунки сўнгги натижа сифатида ушбу метаболизаторлар турлари бир хил даражада ППИ метаболизмини фаоллаштиради (4-жадвал).

4-жадвал


